

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГЕНОВ АБИДЖОН АДИЛОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК
СУВЕРЕНИТЕТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2019

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal.175 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустамжон Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Чориев Санжар Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№36 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихий тараққиёт босқичларида миллий давлатчилик суверенитети миллатларнинг мавжуд бўлиши, уларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлиб келган. Миллий давлатларнинг ўз суверенитетидан фойдаланишдаги ягоналиги эса асрлар мобайнида халқаро муносабатлар мазмунини белгилаб берган. Бироқ, бугунги глобаллашув шароитида дунё миқёсида тобора кучайиб бораётган халқаро терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик савдоси, миссионерлик, ёшлар онгини заҳарлаётган «оммавий маданият» каби трансмиллий характердаги таҳдидлар миллий давлатчилик суверенитетини заифлаштириши натижасида ижтимоий муносабатларнинг издан чиқишига, миллий-маънавий қадриятларнинг емирилишига олиб келмоқда.

Жаҳон илм-фанида глобаллашув шароитидан келиб чиқиб миллий давлатчилик суверенитетининг трансформациялашуви, институционаллашуви ҳамда эволюцияси масалалари энг кўп муҳокама этилаётган ва концептуал ечимини топмаган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабдан, мазкур жараённинг субстанционал, детерминистик, инвариантлик хусусиятларини аниқлаш орқали муаммонинг назарий-методологик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш ва англаш ниҳоятда муҳимдир. Зеро, бугунги шиддатли глобаллашув шароитида халқаро ҳамкорлик, барқарор ижтимоий тараққиётни таъминлаш, этник ва диний можароларнинг ҳал қилиниши зарурати миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш йўллариини излаб топиш, уларнинг илмий асосларини такомиллаштириш масалаларининг долзарблигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг реал сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, халқаро муносабатларда халқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий давлатчилигимиз анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар доим устивор вазифалар саналган. Айниқса, бугунги кунда «геосиёсий манфаатлар тўқнашуви халқаро алоқаларда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларига путур етишига, қарама-қаршилик ва носоғлом рақобат кучайишига сабаб бўлмоқда»¹. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз миллий давлатчилик суверенитетининг ижтимоий асосларини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги кунда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-489-сонли, 2017 йил 3 январдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. -Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. Б.45.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сонли, 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сонли Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова бешинчи йўналишининг 5.1 ва 5.2 бандларида «давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ҳалқаро муносабатлар тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўрни ва ролини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро нуфузини мустаҳкамлаш»¹ билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантириш кўмитаси олдида қўйилган устивор вазифалар, хусусан, I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳам глобаллашув шароитларида давлатлар ва миллатлар хавфсизлигига туғилаётган ижтимоий хавф-хатарларни илмий жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

АҚШ ва Ғарбий Европа олимларининг глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитети масаласига нисбатан ёндашувларига асосланиб, уларни шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* глобаллашув жараёнларининг ҳозирги ривожланиш йўли мафкурачилари сифатида танилган Ж.Аттали, З.Бжезинский, К.Омае², К.Поппер, Ф.Фукуямаларни киритиш мумкин бўлса, *иккинчи гуруҳга* глобаллашув жараёнлари оқибатида юзага келаётган турли хил муаммоларни эътироф этган ҳолда, унга кўпроқ танқидий муносабат билдираётган И.Валлерстайн, Г.-П.Мартин ва Х.Шуманн³, Б.Ульрих, С.Хантингтон, М.Хардт ва А.Негри, Д.Хелд каби муаллифларни келтириш мумкин.

Глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитети масалаларига оид қарашлар МДХ олимларидан И.А.Василенко, А.Г.Володин ва Г.Широков, М.В.Ильин, В.Л.Иноземцев, М.М.Лебедева, А.И.Уткин ва бошқаларнинг асарлари ва тадқиқотларида ёритиб ўтилган. Мазкур тадқиқотларда асосан цивилизациялараро маданий мулоқот муаммолари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги №ПФ-4947-сонли Фармони.

² Ohmae K. The End of Nation State. The rise of regional economies. – London: Harper Collins, 1995. – P. 79.

³ Мартин Г.-П., Шуманн Х. Западная глобализация: атака на процветание и демократию / Пер.с. нем. - М.: Альпина, 2001. – 330 с.

Шарқ ва Ғарб тамаддунларининг ривожланиш йўлларидаги ўзига хосликлар, глобаллашувнинг ижтимоий муносабатларга ўтказаетган таъсири ҳамда мамлакатлар ижтимоий тизимидаги номутаносибликлар таҳлил этилган. Бироқ, бу таҳлилларда глобаллашувнинг шаклланиш негизлари ва бу жараённинг яхлит тизимли ҳолати кўрсатиб берилмаган.

Глобаллашувнинг ҳаётимизга кириб келиши ва жамиятнинг турли соҳаларига ўтказаетган таъсирлари хусусидаги назарий-методологик аҳамиятга эга бўлган хулосалар, фикр ва мулоҳазалар Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов ҳамда Шавкат Мирзиёев асарлари, маъруза ва нутқларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, глобаллашув ҳодисасининг давлат ва жамиятнинг маънавий, маданий ва мафкуравий ҳаётига ўтказаетган таъсирлари ҳамда давлат суверенитетига оид қарашлар Республикаимизнинг файласуф олимларидан С.Отамуратов¹, Т.Жўраев, У.Саидов, Р.Самаров, Б.Умаров², Б.Тураев, Б.Каримов, А.Очилдиев, Ф.Мусаев, А.Мухторов ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган.

Сўнги йилларда ҳимоя қилинган бир қатор номзодлик ва докторлик ишларида глобаллашувнинг муаммолари ва миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан таҳдидлар масаласини ўрганишга эътибор қаратилди. Жумладан, бу борада республикаимизда С.Акобиров, У.Кушаев, Ф.Усарова, Т.Файзуллаев ва бошқалар томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишлари эътиборга моликдир. Шунингдек, хорижлик олимлардан М.В.Богданова, Ю.В.Ли, С.В.Мартыненко, Б.С.Турсункулованинг илмий ишларида миллий давлатчилик суверенитетига кечаётган ўзгаришлар муаммосининг айрим жиҳатлари ёритиб берилган. Бироқ, бу тадқиқотларда глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқот ишининг мақсади глобаллашув шароитида мамлакатлар миллий давлатчилик суверенитетига қаратилган таҳдидларнинг таъсирини тадқиқ қилиш ва уларнинг ижтимоий-фалсафий тавсифини амалга ошириш.

Тадқиқот ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

¹ Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). - Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 204 б.

² Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. Т.: Маънавият, 2006. - 160 б.

глобаллашув жараёнини назарий жиҳатдан англашга қаратилган асосий методологик ёндашувларни ажратиб олиш, уларни тавсифлаш ва тизимга солиш;

глобаллашувнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий негизларини таҳлил қилиш;

глобаллашув ҳодисасининг зиддиятли томонларини очиб бериш ва миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан юзага келаётган ижтимоий хавф-хатарларни тавсифлаш;

миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан таҳдидларнинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш;

Ўзбекистон миллий давлатчилик суверенитетига таҳдидларнинг юзага келишининг объектив ва субъектив омилларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлашда ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш вазифаларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот ишининг объекти сифатида глобаллашувнинг миллий давлатчилик суверенитетига ўтказётган таъсири танланган.

Тадқиқот ишининг предметини глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетининг трансформацияси ва жамият ижтимоий тизимида кечаётган жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, комплекс-системали ёндашув, объективлик, қиёсий-солиштириш, тизимли-структуравий таҳлил, социологик сўров усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув шароитида Ўзбекистон миллий давлат суверенитетига деструктив, дезинтеграцион таҳдидлар юзага келишининг тарихий-ҳудудий, эндемик омиллари аниқланган ва уларнинг ижтимоий муносабатларга таъсири очиб берилган;

миллий давлатчилик суверенитетини емирилишига олиб келаётган глобал, минтақавий, ҳудудий таҳдидларнинг ягона асосга эга эканлиги ҳамда уларнинг марказдан қочиш, миллий идентликни йўқ қилиш каби ижтимоий хусусиятлари аниқланган;

глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан космополитизм, миллий нигилизм, эгоцентризм каби таҳдидлар аниқланган ва уларни бартараф этишнинг илмий-назарий, таълимий-маърифий, праксиологик асослари далилланган;

миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлашда ижтимоий тизим барқарорлигини таъминловчи тамойилларнинг (ижтимоий фаоллик, ватанпарварлик, миллий консенсус) функционал роли кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан глобал, минтақавий ва худудий таҳдидларнинг (фалсафанинг умумийлик, хусусийлик ва яккалик категориялари воситасида) чуқурроқ англаб етилиши ва миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш масалаларига бўлган эътиборнинг кучайиши зарурлиги асосланган;

мамлакатимиз миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлашнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ўртасидаги диалектик алоқадорлик кўрсатиб берилган;

Ўзбекистонда ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, сиёсий ва иқтисодий интеграция жараёнларида фаол қатнашиш орқали миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш йўналишлари таҳлил қилинган;

миллий давлатчилик институти глобаллашув таъсирида кучли босим остида қолаётганига қарамасдан ижтимоий барқарорликнинг кафолатчиси сифатида давлатнинг ижтимоий ролига эҳтиёж бундан буён ҳам сақланиб қолиниши масаласи ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда, маҳаллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан юзага келаётган глобал, минтақавий ва маҳаллий таҳдидларнинг чуқур ўрганилиши орқали миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш масалаларига доир тушунчалар аппаратини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унда баён этилган таклиф ва тавсиялардан ижтимоий-сиёсий Давлат дастурлари, лойиҳалар ва «йўл хариталари»ни яратишда, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари томонидан ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқилишида ва миллий ғояни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан аҳамият касб этади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан келиб чиққан хулосалар, таклиф ва тавсиялар таълим тизимида «Фалсафа», «Фуқаролик жамияти», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Социология» фанларини ўқитишда манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

глобаллашув шароитида Ўзбекистон миллий давлат суверенитетига деструктив, дезинтеграцион таҳдидлар юзага келишининг объектив ва субъектив омиллари ҳамда уларнинг ижтимоий муносабатларга таъсирига оид таклиф ва тавсиялар Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Миллий ғоя ва мафкуравий тадқиқотларни ташкил қилиш» бўлимида №А1-071-шифрли «Мураккаб ва таҳликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкуравий кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган. (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 6 декабрдаги №1275-18-сон маълумотномаси). Натижада, глобаллашув таъсирида тобора кучайиб бораётган терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси, «оммавий маданият»нинг зарарли оқибатларига оид маълумотларнинг бойитилишига эришилган;

тадқиқотнинг миллий давлатчилик суверенитетини емираётган глобал, минтақавий ва ҳудудий таҳдидларнинг диалектик алоқадорлиги ва ижтимоий хусусиятларига тегишли ғояларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маънавий – маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳаррияти томонидан тайёрланган «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт», «Ҳамроҳ» радиоэшиттиришининг 2018 йилдаги сонларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 10 декабрдаги O'z/R-1-220-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот ишидан фойдаланиб тайёрланган радиоэшиттириш ва дастурлар тингловчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, жамият ва давлат олдидаги ижтимоий маъсулиятни кучайтириш, миллий-маънавий кадриятларни тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган;

глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан космополитизм, миллий нигилизм, эгоцентризм каби ноанъанавий таҳдидларнинг ортиб бориши тенденцияси ҳамда миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик, миллий консенсус, «халқ дипломатияси» тамойилларининг ролини оширишга доир таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг мафкура йўналишида инновацион ёндашув, янгича ғоя, янги қарашлар ва янги изланишларини ўз ичига олган «Йўл харитаси»ни тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон халқ демократик партиясининг 2018 йил 6 декабрдаги №6-8/118-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалардан келиб чиққан хулосалар, таклиф ва тавсиялар халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари ва сиёсий партия ходимларининг ўқувини ўтказишда назарий ва амалий материал сифатида хизмат қилган;

тадқиқотда миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлашда ижтимоий тизим барқарорлигини таъминловчи тамойилларнинг (ижтимоий фаоллик, ватанпарварлик, миллий консенсус) функционал ролини оширишга

доир таклифлар “�збекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари: ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллар” номли ПЗ-20170928749 илмий грант доирасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги №06-15/926-сон маълумотномаси). Билдирилган хулоса ва таклифлар илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Тадқиқотнинг ҳажми ва тузилиши. Тадқиқот иши кириш, олтита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаётган муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Глобаллашув жараёнини ўрганишнинг назарий – методологик асослари**» деб номланади. Ушбу бобда глобаллашув ва давлат суверенитети тушунчаларининг келиб чиқиши, ижтимоий-фалсафий моҳияти ва мазмуни масалалари ўрганилади. Бунда глобаллашув жараёнига нисбатан Республикамиз ва хорижлик олимлар томонидан билдирилаётган турли-туман илмий қарашлар ва назариялар таҳлил қилинган, глобаллашув жараёнининг мафкурачилари ва унинг муҳолифлари қарашлари кўриб чиқилган. Уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ажратиб олинган. Мазкур бобда ёритиладиган муҳим масалалардан бири – бу миллий давлат суверенитети тушунчасига ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таъриф бериш ва унинг моҳиятини очиб беришдан иборат бўлди.

Шунингдек, ушбу бобда глобаллашувнинг шаклланиш негизлари таҳлил этилди. Бунда, глобаллашувнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг босқичлари, бу жараённинг объектив ва субъектив томонларини ҳар томонлама ўрганиш вазифаси ҳал этилди, глобаллашувнинг шаклланишига олиб келаётган омилларни туркумлаштириш вазифаси амалга оширилди.

Глобаллашув ҳодисаси яқинларгача кўпчиликка яхши маълум бўлмаган тушунча ҳисобланган. Эътиборли жиҳати шундаки, 1987 йилгача АҚШ Конгресси кутубхонаси картотекасида «глобаллашув» тушунчаси қўлланилган бирорта адабиёт бўлмаган. Бироқ, 1990-йиллардан бошлаб глобаллашув муаммосига бағишланган асарлар ва мақолалар шиддат билан кўпая бошлади.

Гарвард бизнес мактаби консультанти япониялик Кеничи Омае ўзининг 1990 йилда эълон қилган «Чегарасиз дунё» асарида глобаллашув тушунчасини кенгроқ маънода тушунишни таклиф этган. Унинг фикрича, бу жараёнда одамлар, фирма ва бозорларнинг аҳамияти ортади, барча асосий жараёнлар глобал бозор маконига бўйсунди, «анъанавий миллий давлатлар ўзларининг табиийлигидан маҳрум бўлиб, бизнес ҳамкор сифатида кераксиз бўлиб қолади», жаҳон иқтисодий сахнасига асосий ҳаракат субъектлари сифатида «глобал фирмалар» чиқа бошлайди. Шунга яқин қарашларни халқаро иқтисодиёт вакилларида Р.Гилпен ва С.Стренч илгари суради. Улар глобал бозор иқтисодиётининг ривожланиш механизмлари ва натижалари, давлатларнинг глобаллашув жараёнларига киришишининг йўллари масалаларига катта эътибор қаратишади. Уларнинг нуктаи назарича, «глобаллашув шароитида ички ва ташқи чегаралар аҳамиятини йўқотади. Давлат таркибидаги барча сиёсий кучлар халқаро иштирокчига айланиши мумкин». Кўриниб турибдики, муаллифлар ёндашувида давлатнинг анъанавий суверенитети масаласи шубҳа остига олинмоқда.

Бироқ, фалсафий адабиётларда глобаллашувнинг мазмун-моҳиятига нисбатан қарама-қарши ёндашувларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, глобаллашув жараёнининг танқидчиларидан бўлмиш рус файласуфи А.Зиновьевнинг фикрича, «бир қарашда ҳеч қандай мафкуравий маъно касб этмайдигандай «глобаллашув» дея номланган сайёравий жараён, аслини олганда янги жаҳон урушидир».

Хуллас, глобаллашувни тушунтиришда уни ҳам жараён, ҳам янги мафкура, ҳам инсоният цивилизацияси ривожининг янги босқичи, ҳам тарихий ривожланишнинг муқаррар даври ва ҳатто янги турдаги жаҳон уруши сифатида ҳам талқин қилувчилар топилмоқда. Фикримизча, бундай турфа хилликнинг асосий сабаблари шундаки, *биринчидан*, глобаллашув ниҳоятда мураккаб жараён ва унга аниқ ва лўнда таъриф беришнинг ўзи ниҳоятда қийин кечмоқда, *иккинчидан*, бу жараён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлаётганлиги туфайли уни ягона таъриф доирасида

тўлиқ қамраб олишнинг иложи йўқ, *учинчидан*, глобаллашув ривожланишда давом этаётган фаол жараён, бундай жараёнларни англаш эса доимо қийин кечади, *тўртинчидан*, мазкур тушунчага таъриф беришга интилаётган ҳар бир олим унга ўзининг ихтисослиги ва илмий қарашлари нуқтаи назаридан ёндашишга интилмоқда, ҳамда глобаллашувнинг қайси жиҳатларини асосий деб ҳисоблашига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Республикамиз тадқиқотчилари томонидан ҳам глобаллашув жараёнининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига ўтказётган таъсирини англашга интилишларнинг тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бунда глобаллашув ҳеч истисносиз жамиятнинг барча соҳаларига дахлдор жараён сифатида қаралмоқда. Шу билан бирга глобаллашув «оммавий маданият» намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши орқали жамиятда ўрнатилган ижтимоий муносабатларга кучли таъсир ўтказётганлиги алоҳида эътироф этилмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитети масаласи юзасидан илгари сурилаётган турли-туман ёндашувларни умумлаштирган ҳолда қўйидагиларни таъкидлаш мумкин: *биринчидан*, глобаллашув жараёнининг ўзи муттасил давом этаётган объектив тарихий ҳодиса, бироқ ҳозирги кунга келиб уни сунъийлаштириш, яъни ўз мақсадларига эришиш учун восита сифатида фойдаланишга бўлган уринишлар тобора кучайиб бормоқда; *иккинчидан*, жадал кечаётган глобаллашув жараёни – дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар, ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги чегараларнинг тобора нисбий аҳамиятга эга бўлиб бориши, кишиларнинг маданияти ва хулқ-атвори жараёнларининг байналминаллашуви, жаҳон тараққиётини белгиловчи янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиш жараёни сифатида тушуниш мумкин; *учинчидан*, глобаллашув жараёнидан турли ғаразли мақсадлардан (геосиёсий, трансмиллий) фойдаланишга уринишлар давлатларнинг миллий суверенитетини жиддий равишда емирилиш хавфи остига қўймоқда.

Тадқиқотда давлат суверенитети тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳам таҳлил қилинган. Маълумки, давлат суверенитети ҳақидаги ғоя биринчи марта XVI асрда француз файласуфи Жан Боден¹ томонидан асослаб берилган. Унинг фикрига кўра, суверенитет давлатнинг мутлоқ ва доимий ҳокимиятидир. Бу ҳам мамлакат ичкарасида, ҳам бошқа давлатлар билан муносабатларда намоён бўлади. Ж.Боденнинг «монарх суверенитети» ғояси кейинги даврларда Т.Гоббснинг «давлат институти суверенитети», Ж.Руссонинг «халқ суверенитети», И.Кантнинг давлатлар суверенитети «абдий тинчлик» воситаси назарияси, Г.Гегелнинг «хуқуқ суверенитети»

¹ Боден Ж. Шесть книг о государстве. М., 1999. Т. 2. С. 18.

тўғрисидаги қарашларида ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди. Мазкур тушунчанинг фалсафий мушоҳадалари кейинги даврларда ҳам давом этган. Бироқ, суверенитетнинг *олий ҳоқимият, чегараланмаганлик ва бўлинмаслик* тамойиллари унинг замонавий талқинида ҳам сақланиб қолган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан таҳдидларнинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши**» деб номланади. Ушбу бобда глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетининг заифлашувига сабаб бўлаётган омиллар ва таҳдидлар тизими, улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик, шунингдек, глобаллашув таъсирида кўпгина мамлакатларнинг анъанавий ижтимоий муносабатларида кечаётган ўзгаришлар, дунёнинг турли бурчакларида фаол ҳаракат қилаётган ноанъанавий куч марказлари таҳлил қилинади.

Илмий адабиётларда жаҳоннинг глобаллашуви оқибатида миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан юзага келаётган таҳдидларнинг турли-туман кўринишлари эътироф этилади, бироқ кўпчилик муаллифларнинг фикрларида асосан қуйидаги таҳдидларга эътибор қаратилган:

биринчидан, «оммавий маданият» намуналарининг ёшлар онгига таъсири натижасида миллий давлатчилик, миллий қадриятлар, миллий урф-одатларга нисбатан нигилистик ва космополитик тенденциялари кучайишининг кузатилаётгани;

иккинчидан, халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларининг жаҳон сиёсатида фаол иштироки натижасида миллий давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашувларнинг ортиши;

учинчидан, трансмиллий компаниялар сони ва иқтисодий қудратининг ниҳоятда ортиши натижасида улар томонидан миллий давлатларнинг иқтисодий функцияларини бажаришга ўтиб бораётганлиги;

тўртинчидан, дунёнинг глобаллашуви туфайли тобора кучайиб бораётган – терроризм, экстремизм, сепаратизм, миссионерлик, халқаро миграция каби муаммолар миллий давлатларнинг суверенитетини хавф остида қолишига сабаб бўлаётгани.

Кўрсатиб ўтилган таҳдидлар тизими турли хил бўлишига қарамасдан улар бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ўзаро алоқадорликда кечмоқда, бу эса глобаллашув жараёнларининг мураккаб ва зиддиятли хусусиятидан дарак беради.

Умуман олганда, миллий давлатларнинг ўз ривожланишини белгилаш ва жаҳон сиёсатига ҳал қилувчи таъсир ўтказиш имкониятлари камаймоқда. Улар ўзларининг аҳамиятини ва суверенитетини йўқотишларига бир қанча сабаблар мавжуд: миллий давлатларнинг ўз чегараларини қатъий белгилаш ва ҳимоя қилишдан иборат эски манфаатлари билан глобаллашаётган дунёнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар

келиб чиқмоқда; янги савдо шароитлари, қашшоқ мамлакатлар ишчиларнинг ривожланган мамлакатларга кўчиши, турли ахборотларнинг эркин оқими миллий давлатларнинг бошқарувчилик имкониятларини пасайтирмоқда; миллий ҳукуматларнинг мазкур муаммоларни ечишдаги қийинчиликлари фуқароларда давлатчилик институтига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармоқда; халқаро ташкилотлар томонидан миллий давлатларга нисбатан босим тобора кучайиб бормоқда.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари томонидан постиндустриал типдаги иқтисодиётнинг барпо этилишида яхши ўйланган тартибга солишнинг давлат тизими катта роль ўйнаган. Бу тизим янги хўжалик тузилмаларини шакллантириш баробарида, бозор қонунларига унчалик бўйсунмайдиган, бироқ жадал ривожланишни таъминловчи иқтисодий тармоқларни, хусусан иқтисодиётнинг асосий субъекти – «инсон омилини» юксалтиришга қаратилган соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратди. Натижада, Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал давлатлари кўрсатаётган иқтисодий тараққиёт натижалари глобал иқтисодиётга кўшилишнинг «шарқий осие модели»га нисбатан бутун дунёда қизиқишни орттирмоқда. Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконг каби давлатлар учун Осиё моделининг жозибадорлиги глобал иқтисодиётга кўшилиш жараёнида анъанавий кучли ва обрўли давлатчиликдан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлигидадир. Академик Н.Н.Моисеевнинг таъкидлашича, «Шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчилиги техник тараққиётнинг чўққисида ҳам ҳали-ҳануз одамлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий кадриятлар ва қарашларда, миллий бирдамлик, ўз давлатчилиги билан боғлиқ барча нарсада «анъанавий цивилизациялар» ҳисобланади», деб қайд этади. Бутун дунёни ажаблантирган «осие мўъжизаси» юзага келишининг асосий омиллардан бири бу умуммиллий манфаатлар йўлида самарали ва моҳирона ишга солинган миллий давлатчилик институти бўлди.

Шундай қилиб, бугунги янги жаҳон тартиботи шаклланаётган бир даврда миллий давлат суверенитетини таъминлаш муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда. *Бир томондан*, давлатларнинг миллий манфаатлари, *иккинчи томондан* глобаллашув натижасида кучайиб бораётган трансмиллий манфаатлар, *учинчи томондан*, халқаро ташкилотларнинг фаолияти бу жараёнларга ўзига хос ёндашувни талаб этмоқда. Бу жараёнда ҳар бир давлат ўз миллий суверенитети манфаатлари устуворлигини сақлаб қолган ҳолда минтақавий ҳамда халқаро манфаатлар асосида ҳамкорлик олиб бориши ўта муҳимдир.

Диссертациянинг учинчи боби, «**Ўзбекистон миллий давлатчилигининг ижтимоий тизимини мустаҳкамлаш вазифалари**» деб номланади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгач жаҳон

хамжамиятига чуқур интеграциялашув, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа турдаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз халқаро муносабатларининг муайян иқтисодий ва сиёсий тизимлари таркибига киради. Бироқ, бу жараён осон кечаётгани йўқ. Турли кўринишдаги таҳдидлар мамлакатимиз тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Жаҳонда ва минтақамизда кечаётган глобал ўзгаришларнинг ривожланиш тенденцияларига асосланиб, Ўзбекистон миллий давлат суверенитетига нисбатан таҳдидларнинг ташқи ва ички омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ташқи омилларга халқаро муносабатлар тизимида ҳудуднинг геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятининг ортиб бораётганлиги; диний экстремизм, этник муросасизлик, нарқобизнес ва уюшган жиноятчилик каби трансмиллий таҳдидларнинг мавжудлиги; мамлакатимиз жойлашган Марказий Осиё минтақасида коллектив хавфсизлик тизимининг шаклланмаганлиги; ахборот босими, маънавий-мафкуравий хуружларнинг ортганлиги; мураккаб характердаги экология ва транспорт-коммуникация муаммоларининг мавжудлиги. Ички омилларга коррупция ва «хуфёна иқтисодиётнинг шаклланиши»; маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик; маҳаллий бошқарув тизимининг ижтимоий самарадорлигини ошириш муаммолари; фуқаролик институтларининг нисбатан заифлиги, ижтимоий ва сиёсий фаолликнинг сустлиги; фуқаролар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада ривожлантириш зарурати; аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш эҳтиёжи.

Мазкур объектив ва субъектив омиллар оқибатида юзага келаётган таҳдидларнинг сақланиб қолаётганлиги мамлакатимизнинг глобаллашув жараёнларидан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда ва миллий давлатчилик суверенитетини хавф остига қўймоқда. XXI аснинг дастлабки йилларида тўпланган тажриба ҳар бир миллатнинг мавжудлиги, барқарор тараққиёти ва хавфсизлиги, биринчи галда, янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг манбалари, сабаблари, оқибатлари қай даражада англанаётгани, идрок этилаётгани ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларининг аниқлиги, изчиллиги ва самараси билан бевосита боғлиқ эканидан далолат бермоқда.

Илмий тадқиқотимиз доирасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ўрганиш юзасидан ўтказган социологик сўровномада Республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган муҳим қонунларни билиш даражасини ўрганиш бўйича саволлар билан мурожат қилганимизда респондентларнинг атига 16,7 фоизи «Ижтимоий шериклик тўғрисидаги», 20 фоизи эса «Жамоатчилик назорати тўғрисида» Қонунлар қабул қилинганидан хабардорлиги маълум бўлди. Энг қизиғи, сўралганларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 53,3 фоизи мамлакатимизда «Динлараро бағрикенглик тўғрисида»

(аслида мавжуд бўлмаган) қонун қабул қилинганлигини билдиришган. Бундан кўришиб турибдики, ҳали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги масалаларида жиддий камчиликлар, ҳуқуқий нигилизм ҳолатлари мавжуд. Аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг юксаклиги эса миллий давлатчилик барқарорлигига бевосита таъсир қилади. Шу сабабдан, «биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт»¹.

Жамият ижтимоий тизимининг ҳар бир элементи ўзининг доминантларига эга. Масалан, агарда шахс учун бундай доминантлар унинг ҳуқуқ ва эркинликлари бўлса, жамият учун моддий ва маънавий қадриятларни сақлаш ва кўпайтириш, давлат учун эса ички барқарорлик, ҳудудий яхлитлик, суверенитет бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда демократик жамият куриш шароитида давлат ҳокимиятнинг мақоми масаласи ҳам бугун кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Маълумки, давлат ҳокимияти халқ ва фақат халқнинг хоҳиш иродасини ифода этиб, уни қафолатлаш учун маъсул бўлса, демократия уни ҳаётга жорий қилиш воситасидир. Бу маънода ҳокимият ва демократия бир мақсадга, яъни фуқаролар фаровонлиги, эркинлиги ва барқарор тараққиётга хизмат қилади. Демак, улар ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас. Аммо амалда муаммолар кўлами борган сари кенгайиб бориши кузатилмоқда. Демократия шароитида умумхалқ хоҳиш-иродаси муаммосига, унинг қафолати бўлган миллий давлатга нигилистик, бир томонлама муносабат билдирувчилар ижтимоий жараёнга анча салбий таъсир этадилар.

Диссертация учинчи бобига хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: *биринчидан*, глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш масаласи бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда; *иккинчидан*, мамлакатимиз миллий давлат суверенитетини емиришга қодир бўлган бошқарувнинг турли бўғинлари тизимида қонунбузарлик, коррупция ва уюшган жиноятчилик каби иллатларининг илдиз отишига йўл қўймаслик зарур; *учинчидан*, ички ва ташқи сиёсат ўртасида чегаралар йўқолиб бораётган бир шароитда мамлакат аҳолисининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб бориш ва шунга мос равишда дастурлар ишлаб чиқиш талаб этилади; *тўртинчидан*, миллий бирдамликни таъминлаш, миллий ғоя асосида жамиятни уюштириш, миллий қадриятларимиз асосида демократик ўзгаришларни ва фуқаролик

¹ www.president.uz. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь.

жамияти қурилишини давом эттириш маънавий, мафкуравий, ахборот соҳасидаги таҳдидлардан ҳимояланишнинг ишончли воситасидир.

ХУЛОСА

Глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш муаммоларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Глобаллашув жараёни мураккаб ва зиддиятли характерга эга бўлиб, ўзида инсоният тараққиётининг объектив ривожланиш хусусиятларини акс эттирмоқда, бироқ унинг имкониятларидан барча давлатлар тенг фойдаланаётганлиги йўқ, бу жараёнда кўпроқ айрим тараққий топган мамлакатларнинг манфаатларига хизмат қилаётган субъектив омилларнинг кучайиши кузатилмоқда.

2. Глобаллашувнинг шаклланиш негизлари сифатида иқтисодий интеграция жараёнларининг кучайиши ва глобал молиявий бозорнинг шаклланиши, трансмиллий корпорациялар (ТМК) роли ва кудратининг ортиб бориши; ҳукуматлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлари таъсирининг кучайиши; универсал сиёсий меъёрлар ва ижтимоий стандартларнинг юзага келиши; ахборот-коммуникация соҳасидаги инқилобий ўзгаришларни келтириш мумкин.

3. Глобаллашувнинг тобора катта аҳамият қозонишига бир қанча сабаблар бор: технологияларнинг тез ривожланиши натижасида коммуникация ва ахборот алмашувининг осонлашгани; либерал демократик ғояларнинг тантанаси; глобал муаммоларнинг кучайиши оқибатида уларни ҳал қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурати; транспортнинг тараққий этиши натижасида мамлакатлараро юк ташиш ҳажмининг ортиши ва туризмнинг ривожланиши; қўшимча бозорлар очилиши; маданият ва қадриятлар интеграцияси натижасида истеъмол турлари кенгайиши; халқаро бозорда рақобатнинг кучайиши; янги хом ашё манбалари ва инвестициявий жараёнларнинг кенгайиши кабиларни санаш мумкин.

4. Миллий давлатчилик суверенитетига қуйидагилар таъсир ўтказмоқда: жаҳон сиёсатини белгилашда иштирокчилар сонининг кўпайганлиги (халқаро давлатлараро, ҳукуматлараро, ноҳукумат ташкилотлари, трансмиллий корпорациялар ва ҳоказо); электрон коммуникация соҳасидаги инқилобий янгиликлар, Интернетнинг кенг ривожланиши натижасида ягона кибермаконнинг шаклланиши ва унинг кишиларнинг ижтимоий хулқ-атворини белгилашга ўтказаетган таъсири; суверен давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати ўртасидаги тафовутларнинг деярли йўққа чиқиши, бир мамлакат ичкарасида содир бўлган воқеанинг бир зумда бошқа

мамлакатларга таъсир этиши ва аксинча; халқаро-ҳуқуқий тизимнинг асоси – давлат суверенитети табиатининг ўзгариши кабиларни таъкидлаш мумкин.

5. Миллий давлатларнинг суверенитети глобаллашув шароитидаги таҳдидлар таъсирида бир мунча камайиб бормоқда, бунга терроризм, экстремизм, сепаратизм, «оммавий маданият», миссионерлик, халқаро миграция, космополитизм, миллий нигилизм, эгоцентризм каби муаммолар сабаб бўлмоқда.

6. Давлатлар ва халқлар ўртасида бирлашишга интилишни кучайтирган глобаллашув айни вақтда миллий хусусиятлар, анъаналар ва миллий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил ривожланиш тамойилларини ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам кўрсатиб бермоқда.

7. Эндиликда миллий давлатлар ўзларининг эски кўламдаги суверен имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмайди. Бироқ, миллий давлатчилик суверенитети бутунлай йўққа чиқмайди, балки янги шароитларга мослашган ҳолда ўзининг ўрнини сақлаб қолади. Чунки, глобаллашув шароитида жамият анъанавий ижтимоий ва иқтисодий алоқаларнинг заифлашуви ёки умуман бузилиши билан боғлиқ ижтимоий табақалашув, этник ва конфессиялараро тўқнашув каби тобора кучли синовларни бошдан кечирмоқда. Шу сабабли, ижтимоий барқарорликнинг кафолатчиси, муҳтож ижтимоий қатламларга ёрдам кўрсатадиган ва жамиятни зўравонлик, жиноятчилик, террор сингари глобал кўламда ривожланаётган таҳдидлардан ҳимоя қила оладиган куч сифатида давлатнинг ижтимоий ролига эҳтиёж сақланиб қолади.

8. Миллий давлатчилик суверенитетини глобаллашув даври таҳдидларидан сақлашнинг парадигмаларидан бири шундаки, жамиятнинг ички ижтимоий муносабатлари қанчалик кучли, иқтисодий ва ижтимоий бирлиги даражаси қанча юқори бўлса, ҳамда ички ресурслари имкониятлари қанчалик самарали амалга оширилса, унинг глобаллашув жараёнлари афзаллигидан фойдаланиш муваффақияти шунчалик юқори бўлади.

9. Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда давлатнинг ижобий имиджини шакллантириш глобаллашув шароитида суверенитетни мустаҳкамлашнинг асосий воситаси бўлиб қолади.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб куйидаги *таклиф* ва *тавсиялар*ни билдириш мақсадга мувофиқ топилди:

миллий давлатчилик суверенитети мазмунини кенгроқ ёритишга мўлжалланган алоҳида “веб сайт”ларни, мобил илова ва дастурларни кўпайтириш;

жамиятни илмий бошқариш усулларини кенг жорий этиш, бунинг учун марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларида социологик марказлар (штатлар)ни ташкил этиш;

минтақадаги яқин кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатлар уйғунлиги асосида интеграцион жараёнларни кучайтиришда кўзга кўринган зиёлилар ва жамоат арбоблари иштирокида “халқ дипломатияси” имкониятларини кўпроқ ишга солиш;

«Фалсафа», «Фуқаролик жамияти», «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти», «Социология» фанлари бўйича фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув кўлланмаларда миллий давлатчилик суверенитетини мустаҳкамлаш омилларининг моҳиятини очишга ва унинг жамият иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиётидаги ролига алоҳида эътибор бериш;

жамоат ташкилотлари, фуқаролар ва айниқса ёшлар орасида «Глобаллашув шароитида миллий давлатчилик суверенитетига нисбатан таҳдидларнинг ижтимоий кўринишлари» мавзусида суҳбатлар, маърузаларни кўпайтириш, бунда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур;

давлатимиз суверенитетининг мазмун моҳияти ва аҳамиятини ёритувчи қисқа метражли фильмлар, ижтимоий роликларни кўпайтириш;

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат Дастурининг 262-банди ижросини амалга ошириш мақсадида хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш бўйича «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти» қошида ҳудудлардаги етакчи экспертларни жалб этган ҳолда «Инвестицион ғоялар маркази»ни ташкил этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХУДАЙБЕРГЕНОВ АБИДЖОН АДИЛОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ УКРЕПЛЕНИЯ
НАЦИОНАЛЬНО-ГОСУДАРСТВЕННОГО СУВЕРЕНИТЕТА
В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.1.PhD/Fal175.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyonet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Хажиева Мақсуда Султановна**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Самаров Рустамжон Садриддинович**
доктор философских наук, профессор
Чориев Санжар Анварович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ___ часов «___» _____ 2019 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №36). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2019 г.)

Б.О.Тураев
председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

А.Р.Самадов
ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, кандидат философских наук, доцент

К.Н.Назаров
председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На всех этапах мирового исторического развития национально-государственный суверенитет являлся основным условием существования наций, их политического, экономического, культурного развития, служило главным организующим принципом стабильности жизни общества. Исключительность национальных государств в использовании своего суверенитета в течении веков определяли содержание международных отношений. Однако, сегодня в условиях глобализации всё более усиливающийся международный терроризм, экстремизм, организованная преступность, торговля наркотиками, миссионерство, различные проявления «массовой культуры» отравляющие сознание молодёжи и другие транснациональные угрозы приводят к ослаблению национально-государственного суверенитета вследствие чего разрушаются устоявшиеся социальные отношения, национально-духовные ценности.

В мировой науке вопрос трансформации, институционализации, а также эволюции национально государственного суверенитета в условиях глобализации является одной из самой обсуждаемой и до сих пор не нашедшей своего концептуального решения проблемой. Поэтому, изучение субстанциональных, детерминистических, инвариантных особенностей данного процесса, а также её глубокий анализ и осмысление с теоретико-методологического аспекта приобретают особую важность. Так как, сегодня в условиях бурно развивающейся глобализации необходимость международного сотрудничества, обеспечение стабильного развития, решение этнических и религиозных конфликтов показывают важность вопросов поиска путей укрепления суверенитета национальной государственности, совершенствования их научных основ.

Обеспечение реальной политической и экономической независимости, защита национальных интересов народа в международных отношениях, воспитание молодёжи в духе патриотизма и уважения к традициям национальной государственности всегда являлись приоритетными задачами. Особенно сегодня «столкновение геополитических интересов привело к ухудшению взаимного доверия и сотрудничества в международных отношениях, усилению противоречий и недобросовестной конкуренции»¹. Поэтому, изучение вопросов укрепления социальных основ национально-государственного суверенитета нашей страны с социально-философской точки зрения приобретает важное теоретическое и практическое значение.

Настоящая диссертация в определенной степени будет способствовать реализации Законов «О противодействии экстремизму» от 30 июля 2018 года ЗРУ-489, «О противодействии коррупции» от 3 января 2017 года ЗРУ-419, «О государственной молодёжной политике» от 14 сентября 2016 года ЗРУ-406, задач 5.1 и 5.2 разделов пятого направления стратегии действий по

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 45-бет.

дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. «укрепление независимости и суверенитета государства, дальнейшее укрепление места и роли страны в качестве полноправного субъекта международных отношений, укрепление международного имиджа Республики Узбекистан»¹.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень разработанности проблемы. Сегодня во многих странах мира, и в том числе в Узбекистане растёт интерес к научному изучению возникающих социальных угроз безопасности государств и народов в условиях глобализации.

Исследования учёных США и Западной Европы основываясь на их подходах к вопросам национально государственного суверенитета в условиях глобализации можно условно разделить на две группы. К первой группе можно отнести идеологов современного пути развития глобализации - Ж.Аттали, З.Бжезинского, К.Омае², К.Поппера, Ф.Фукуяму, а ко второй группе относятся критики глобализации - И.Валлерстайн, Г.-П.Мартин и Х.Шуманн³, Б.Ульрих, С.Хантингтон, М.Хардт и А.Негри, Д.Хелд, отмечающие различные проблемы связанные с последствиями глобализации.

Вопросы национально-государственного суверенитета в системе глобализации изучены в работах и исследованиях учёных СНГ И.А.Василенко, А.Г.Володина и Г.Широкова, М.В.Ильина, В.Л.Иноземцева, М.М.Лебедевой, А.И.Уткина и др. В данных исследованиях в основном уделяется внимание проблемам межцивилизационного культурного общения, своеобразным путям развития Восточной и Западной цивилизаций, положительным и отрицательным сторонам глобализации, а также её противоречиям, анализированы несоответствия в мировой политической системе. Однако, в данных исследованиях не раскрываются основы формирования глобализации и системное состояние данного процесса не рассматривается в аспекте единого целого.

Взгляды и суждения, а также выводы имеющие теоретико-методологическое значение о проявлениях глобализации в нашей жизни и её влиянии на различные сферы общества отражены в докладах и выступлениях Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, а также Шавката Мирзияева. Различные подходы о проявлениях глобализации в духовной, культурной и идеологической жизни общества отражены в монографиях и брошюрах учёных Республики С.Отамуратова⁴, Т.Жураева,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в 2017-2021 гг.

